## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №-2

«28» сентябр 2022 йил Избоскан тумани

ООО «LABIRINT PLAST STROY» МЧЖ бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритилувчи, амалдаги бошлиғи А.Мамажонов номидан уставига асосан иш юритувчи - бир томондан, хамда Вилочт фтизиатрия клиник шифохонаси номидан «БУЮРТМАЧИ» деб юритилувчи Д.Халилов шахсида иккинчи тарафдан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 ПУДРАТЧИ уз зиммасига БУЮРТМАЧИнинг бажариш талабига кура ўз материалларидан фойдаланиб, иловадаги сметада курсатилгантаъмирлаш ишларини белгиланган муддатда бажаришни, буюртмачи эса бу ишларини кабул килиб олишни ва курсатилган хизмат ва килинган ишларга хак тулаш мажбуриятини оладилар.

### 2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1 Шартнома умумий бахоси 191 000 000 (Бир юз тўқсон бир миллион) сўм ташкил этади Шундан бюджет маблағлар хисобидан молиялаштиришга келишилди. Шартнома умумий бахоси 191 000 000 (Бир ююз тўқсон бир миллион уч юз минг) сўмни ташкил этиб, умумий сумманинг 15% 28 650 000 (йигирма саккиз миллион олти юз эллик минг) сўм қўшимча қиймат солиғини ташкил этади.

2.2 Шартноманинг бахоси тарафларнинг хар иккаласи томонидан маъкулланиб материал ва хизматларнинг бозор нархлари ошиши еки пасайиши мумкин. Шартнома бахосидан ошиб кетиши билан боглик харажатларни тулаш ушбу шартноманинг 3 бандида назарда тутилган тартибда БУЮРТМАЧИ томонидан амалга оширилади.

### 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 Ташкилот бажарилган ишлар учун шартнома Ғазначиликдан рўйҳатдан ўтгандан сўнг, ойлик ажратилган маблағлар доирасида шартноманинг ойлик тўлов жадвали асосида 30 фоиз миқдорида олдиндан келаси ой бошланишидан 5 кун олдин тулов амалга оширилади

3.2. Ташкилот бажарилган иш учун туловнинг колган кисмини бюджетдан ажратилган маблаглар доирасида хамда тегишли Ғазначилик органларида рўйҳатдан ўтказилган шартноманинг тўлов жадвали асосида, ишлар бажарилгандан сунг 5 кун ичида амалга оширади.

3.3 Тулов пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

3.4Шартнома буйича охирги хисоб-китоб иш тулик тамомлангандан кейин 5 кундан кечиктирмай, БУЮРТМАЧИ томонидан амалга оширилади.

3.5 БУЮРТМАЧИ томонидан бунак туламаслик ПУДРАТ ишини бошламаслик учун асос булади.

### 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1 ПУДРАТЧИ ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни муддатда бажаради.

4.2 БУЮРТМАЧИ ПУДРАТЧИ томонидан бажарилган ишга хар ойда ишни кабул килиб олгандан сунг шартноманинг 3-бандида назарда тутилган шаклда хак тулайди.

4.3 Шартноманинг амал килиш муддати 31.12.2022 йилгача.

4.4.Пудрат ишларини тугатиш муддати «28» сентябр 2022 йилдан «28» октябр 2022 йилгача (30 кун).

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 ПУДРАТЧИ: қуйидаги хуқуқларга эга

5.1.1. Иловадаги сметада курсатилган ишларни тула хажмда ва муддатда бажариши, бажарилган ишларни БУЮРТМАЧИга далолатномага асосан топшириши.

5.1.2. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган махсус ташкилотлар билан суб поряд шартномаларини тузишлари ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назорат килишлари.

5.1.3. Техника хавфсизлиги ёнгин хавфсизлиги буйича зарурий чора тадбирларнинг бажаришни таъминлаши шарт.

5.2 БУЮРТМАЧИ:

5.2.1. Белгиланган хажмда ва муддатда объектни пудратчига топшириши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларда шартномада белгиланган микдорда ва муддатда ПУДРАТЧИга хак тулаши.

5.2.3. ПУДРАТЧИдан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичида объектни кабул килиши шарт.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажариладиган ишлар кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Пудратчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган хир бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,01 % миқдорида пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси бажариладиган ишлар қийматииинг 10 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.2. Бажариладиган ишлар учун ўз вақтида хақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Пудратчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,01 % микдорида пеня тулайди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасинниг 10 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқоролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 7.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафларнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган холатлар (бунга ер кимирлаши, сув тошкинлари, ёнгин ва табиий офатлар ва бошка кузда тутилмаган холатлар) окибатида бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик пайдо буладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокаралар йули билан хал килинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокаралар йули билан хал килиб булмаса , улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик судида курилади.

## 9. ШАРТНОМАГА КУШИМЧА ВА УЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартнома хар кандай киритилган кушимча ва узгаришлар езма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзоланган холлардагина хакикий кучга эга булади.

9.2. БУЮРТМАЧИ куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:
ПУДРАТЧИ шарнома шартларини бузиш натижасида лойихада курсатилган ишларни сифати бузилганда.

9.3. ПУДРАТЧИ куйидаги холлларда шартномани бекор килишга хакли:
БУЮРТМАЧИ томонидан кейинчалик куришни молиялаштириш имконияти йуколганда.

9.4. БУЮРТМАЧИ ва ПУДРАТЧИнинг биргаликда карори буйича шартнома бекор килинганда, БУЮРТМАЧИга тугатилмаган курилиш топширилади. БУЮРТМАЧИ ПУДРАТЧИга улар томонидан бажарилган ишларнинг хажми кийматини тулайди.

9.5. Шартнома бекор килишга карор килинган тараф бошка тарафга езма хабарнома беради.

## 10. БОШКА ШАРТЛАР.

10.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган, икки нусхада тузилди.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Пудратчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| "Labirint Plast Stroy" МЧЖ | Вилоят фтизиатрия клиник шифохонаси |
| Х.р.2020 8000 2050 9594 3001 | Избоскан тумани Одилобод қишлоғи |
| ИНН 306546368 | Х.р.1000 2186 0032 1470 7320 1054 001 |
| МФО: 00031 | ИНН 204776704 |
| Банк номи: Агробанк Пахтаобод филиали | МФО: 00014 ХХТУТ: 91513 |
| Манзили: Пахтаобод умани | Ўзб.Р.молия вазирлиги Ғазначилик Ягона х.в. |
| | Ғазна х.р.23402000300100001010 |
| | Тошкент ш.Марказий банкининг Тошкент ш.ХККМ, МФО: 00014, СТИР:201122919 |

Рахбар : _____________ А.Мамажонов
М.У

Рахбар : _____________ Д.Халилов
М.У

ВФКШ ҳуқуқшунос хулосаси
Шартнома Хўжалик юритувчи субъектларни шартномавий хуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига кўра экспертиза қилинди. Шартнома раҳбарлар томонидан имзоланиб мажбуриятларини бажарилишини назоратга олиши мумкин.

ВФКШ ҳуқуқшуноси _____________ М.Мамарасулов